


BUXORO  
DAVLAT  
1930 UNIVERSITETI

ISSN 2181-6833

# PEDAGOGIK MAHORAT

4  
2019



ISSN 2181-6883

# **PEDAGOGIK MAHORAT**

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

4-son (2019-yil, sentabr)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2019

## МУНДАРИЖА

<b>ТЕХМОНИТИЗИМ</b> .....	<b>7</b>
Рисолат НОСИРОВ, Шерматулла ЮСУПОВ. Демократик тараккиётнинг инсон манфаатлари устуворлигига асосланиши.....	7
<b>PAГOГIKA VA ПCИХОЛОГИЯ</b> .....	<b>11</b>
Зухра ИСМАИЛОВА, Дурдона Мустафоева. Малака ошириш курсларида дарсларни инновацион таълим психологиялари асосида ташкил этиш.....	11
Назирова SHODIYEV, Farangiz SAIDMURODOVA. Boshlang'ich ona tilil ta'limida alisher navoiy ma'naviy merosini o'rganish jarayonida o'quvchilarda milliy g'ururni shakllantirish.....	18
Басират МАЪМУРОВ. Педагогик технологияларга акмеологик ёндашув тизимида ўқув машғулотларини дидактикаш.....	20
Миллатқон КАДИРОВА. Талабаларда иктисодий кўникмаларни ривожлантириш педагогик муаммо сарида.....	23
Муратбек АРТИКОВА, Зулайхо ҚОДИРОВА. Маънавий бегоналашувнинг олдини олишда шахс фаолиятини оширишнинг баъзи жиҳатлари.....	26
Баркият ДИЛОВА. Ҳамкорликка асосланган таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўзаро ижодий ўқув фаолиятини шакллантириш.....	29
Ўқувчи ЗАЙНИТДИНОВА. Ўқувчиларда математик билимларни ўзлаштириш мотивациясини шакллантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги.....	33
Азиза ТЎХСАЕВА. Олий ҳарбий таълим муассасида график фанларни ўқитиш жараёнида касбга ёйналтирилган таълим технологиясини қўллаш.....	35
Ўқувчи СУЛЕЙМАНОВА. Чет тили ўқитувчисининг педагогик маҳоратини оширишнинг асослари.....	40
Миллатқон ХАЛИКОВА. О'quvchilarda imloviy savodxonlik qo'nikmalarini shakllantirishda kompyuterli tekshirish usullari.....	43
Ўқувчи ПРОНИН. Эффект струпа: взгляд со стороны теории категоризации.....	46
Ўқувчи АКРАМОВА. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг компетентлигини таъминлаштиришнинг назарий асослари.....	50
Ўқувчи АШУРБАЕВА. Shaxs kamolotida integratsiyaviy yondashuvning ahamiyati.....	53
Ўқувчи Улугбек ҒАФУРОВ. Таълим мақсадини таъминлашнинг методик асослари.....	55
Ўқувчи РАҲИМОВА. Ахборот воситаларининг ўқувчилар фаолият мотивациясига таъсири.....	58
Ўқувчи ОРТИКБОВ. Как сформировать учебную мотивацию?.....	61
Ўқувчи БОҚИЕВ. Узвийлик – дарс самарадорлигининг муҳим таркибий қисми сифатида.....	63
Ўқувчи ХАНТОВА. Таълим олувчиларда ижодий коммуникатив қобилиятларни шакллантиришнинг назарий асослари.....	68
Ўқувчи ХАМАЛОВА. Фаол таълим усуллари ва ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш.....	72
Ўқувчи АХМЕДОВА. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқодни шакллантиришнинг мазмуни ва мазмати.....	76
Ўқувчи СОБИРОВА. Тиббиёт ходимлари социал - психологик компетентлигини эмпирик ўрганиш натижалари.....	80
Ўқувчи САМИЕВ. Ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясида ал-ҳаким ат-термизийнинг ижодий фаолиятдан фойдаланиш.....	83
Ўқувчи БАҲРИЕВА. Таълим сифатини оширишга таъсир кўрсатувчи психологик омиллар.....	88
Миллатқон ЖУМАНОВ. Бўлажак биология ўқитувчиларига кимёни интегратив асосида ўқитишнинг назарий-назарий асослари.....	91
Ўқувчи СУЛТАНОВ. Узоқ масофаларга югурувчиларда функционал тайёргарлик даражасини шакллантириш динамикаси.....	94
Ўқувчи ШАРИПОВА. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг дизайнерлик креатив ижодкорлигини шакллантириш.....	97
Ўқувчи ЖУМАЕВА. Педагогик фаолият ва унинг мазмуни.....	99
<b>ТАЪЛИМ ВА БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ</b> .....	<b>103</b>
Ўқувчи КАРИМОВА. Меҳрибонлик уйларининг 1 - синф тарбияланувчилари машғулотларида таълимчилардан фойдаланиш самарадорлиги.....	103
Ўқувчи САЙФУЛЛАЕВ, Луиза АЛИМОВА. Формирование экологических знаний у учащихся второго класса на уроках окружающей нас природы.....	106
<b>ФИЗИКА ВА ТАБИИЙ ФАҲЛАРНИ ЎҚИТИШ</b> .....	<b>110</b>
Ўқувчи НИЯЗХОНОВА, Бахтиёр ҚОБИЛОВ. Физика тарихини ўрганишда талабалар мустақил ишини шакллантириш ташкил этиш хусусиятлари.....	110

Шундай қилиб, конструктор-технологик компетентликни шакллантириш дизайнерлик креатив ижодкорлик жараёни натижавий бўлиши учун, ушбу компетентликни таъминловчи, турли таълим шакллари учун турлича таълим воситалари, аудитория ишлари (маъруза, лаборатория, амалий топшириқлар) ва аудиториядан ташқари мустақил ишларни ўз ичига олган фан ўқув методик мажмуаси зарур.

Қўллаб ишчи касбларнинг таълим бериш воситалари лойиҳалар ва чизмалардан ташкил топади, шунинг учун ўқитувчидан фақатгина конструкторлик ва конструктор-технологик билимлар эмас, дизайнерлик креати, график билимлар ҳам талаб этилади. Таълимни компьютерлаштириш ва модернизациялаш шароитида автоматлаштирилган дизайн-креатив ижодкорлик чизмаларни ишлаб чиқиш керак бўлади. Шунинг учун конструктор-технологик компетентликни шакллантиришда, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашда дизайнерлик, креатив ижодкорлик чизмаларни автоматлаштириш катга аҳамиятга эга, бунда чизмаларни турли таълим воситалари билан компьютер техникаси ёрдамида ишлаб чиқилади. Шу усулда қўл меҳнатидан воз кечилади. Автоматлаштирилган чизма (масалан Auto CAD, КОМПАС ва бошқалар) дастурлари ёрдамида вазибаларни ишлаб чиқиш ўқитувчи ишини енгилаштиради.

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилган компетентликни шакллантиришнинг асосий таркибий қисми дизайнерлик креатив ижодкор ўқитувчини тайёрлаш ҳисобланади. Шакллантириш жараёни педагогик технологиялар, фаол методлар, турли таълим воситалари ва таҳлил тизими мажмуасини қўллаган ҳолда, креатив ижодкорлик таълимнинг барча шаклларида бир нечта фанларда амалга оширилади.

#### Адабиётлар

1. Озерова Т.В. Формирование конструкторско-технологической компетенции будущих педагогов профессионального обучения автореф. дис... канд. пед. наук. Екатеринбург, 2007.
2. Аликулова М.М. Инновацион педагогика. Услубий қўлланма, Тошкент. 2012. 7-бет
3. Мансуров Н.А. Бадий кулолчилик. –Т., А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2011. 10 бет.
4. Муслимов Н.А., Абдуллаева Қ.М., Қўйсинов О.А., Гаипова Н.С. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. –Т., 2013. 8-бет.
5. Шарипова Г.С. Ўқувчи ёшларда ижодий қобилиятни ривожлантиришнинг педагогик асослари «Мугаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў» №4., 2018.

**Меҳрибон ЖУМАЕВА**  
Бухоро давлат университети  
педагогика кафедраси  
1-босқич таянч докторанти



### ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ МАЗМУНИ

*Ушбу мақолада фаолият ва педагогик фаолият педагогиканинг асосий категориялари сифатида тавсифланиб, унинг асосий йўналишлари изоҳланган. Шунингдек, педагогик фаолият педагогик маҳоратнинг асосий таркибий қисми эканлиги далиллар асосида келтирилган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, таълим-тарбия, педагогик-психологик тайёргарлик, фаолият, педагогик фаолият, педагогик маҳорат, категория.*

*В данной статье рассматриваются понятия деятельности и педагогической деятельности в качестве основных категорий педагогики, приводятся их основные направления. В статье приводится обоснование того, что педагогическая деятельность является важной составляющей частью педагогического мастерства.*

**Ключевые слова и понятия:** *социально-экономическое развитие, обучение и воспитание, педагогико-психологическая подготовка, деятельность, педагогическая деятельность, педагогическое мастерство, категория.*

*This article discusses the concept of "activity" and "pedagogical activity" as the main categories of pedagogy, their main directions are given. The article provides a rationale for the fact that pedagogical activity is an important component of pedagogical skills.*

**Key words:** *socio-economic development, training and education, pedagogical and psychological training, activities, pedagogical activities, pedagogical skills, category.*

Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ва маънавий ҳаётида рўй бераётган ходисалар, уни жаҳон ҳамжиҳатида тезкорлик билан кириб бораётганлигини, ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантириш борасида олиб бораётган ислохотларни тезлаштиришни талаб этмоқда. Буни амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири мамлакат аҳолисини, хусусан ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланувчиларнинг касб малакалари ва маҳоратларини такомиллаштириш эҳтиёжини туғдирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "...таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислохотларни юксак босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлод кадрларини вояга етказишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш ҳаммамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиздир" [1, 24]. Зеро бугунги кунда ахборотлар оқимининг кескин кўпайиши ва ривожланиши, илмий-техникавий тараққиётнинг жадаллашувига, мавжуд педагогик-психологик, методик, амалий тайёргарликнинг маълум даражада "пасайиши"га олиб келди ва бу ўз навбатида педагогик фаолият билан шуғулланувчиларнинг касбий маҳорати, ижодкорлигини ривожлантиришга эътиборни янада кўпроқ қаратиш лозимлигини тақозо этди. Бу эътибор ва талабни амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири, касбий маҳоратни такомиллаштиришнинг замонавий технологиясини жорий этиш. Бунинг учун эса педагогик фаолият билан шуғулланувчиларни касбий педагогик тайёргарлигини мукамаллаштириш демакдир. Касбий педагогик тайёргарлик эса педагогик маҳоратда кўринади.

Ўқитувчи педагогик маҳоратини шакллантиришнинг биринчи шarti фаолиятдир. Зеро педагогик маҳоратни эгаллаш ва такомиллаштиришда фаолият етакчи омил ҳисобланади. Меҳнат, билиш, маҳорат, ижод каби тушунчалар инсон ҳаёти ва фаолиятининг бош мезонидир. Бу мезон кундалик иш, фаолият орқали амалга оширилади. Меҳнат қилиш, изланиш жараёнида, яъни амалиёт жараёнида ютуқлар қўлга киритилади, маҳоратга эришилади. Касбий маҳорат сирларини ўрганишга ҳаракат қилувчи ҳар бир ўқитувчи аввало эгаллаши лозим бўлган педагогик билим ва ахборотларга эга бўлишга интилиши, қилаётган ишнинг барча қирраларини аниқ тасаввур этишга ҳаракат қилиши ва натижаларни таҳлил қилиб, баҳолаб бориши, йўл кўйган хато ва камчиликларининг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилиши унинг фаолиятини муҳим кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолатлар, албатта, фаолият орқали амалга оширилади. Педагогик маҳоратни эгаллашда ҳам ўқитувчининг педагогик фаолияти асосий рол ўйнайди. Педагогик маҳорат педагогик фаолият билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун педагогик фаолиятга чуқурроқ тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ўқитувчининг касбий маҳорати меҳнат орқали қўлга киритилади, меҳнат эса, фаолиятнинг таркибий қисмлари (ўқиш, ижтимоий иш, ўйин, спорт машғулотлари ва х. к.)дан бири ҳисобланади. Шу асосда педагогик фаолият ўқитувчи меҳнатининг истиқболи, технологияси, вазибалари ва таъсир кўрсатиши усулларининг мажмуидир.

Фаолиятни аниқ йўлга қўйиш, уни бошқариш, амалга ошириш, ўқитиш, тарбиялаш, билим олиш савиясини юксалтиришни амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида қайд қилинишича "Фаолият – кишиларнинг ташқи оламга фаол муносабати шакли, инсоннинг ўзини ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули, инсон борлигининг муҳим хусусиятларидан бири. Фақат фаолият замиридагина инсон моҳияти намоён бўлиши, жамиятнинг, ҳар қандай ижтимоий тузилманинг мавжудлиги таъминланиши мумкин" [4, 41].

Фаолият инсонни ҳаракатга ундайдиган ички турткилар (мотивлар) ёрдамида у ёки бу иш ҳаракатни бажара олишидир. "Фаолият – шахснинг моддий борлиққа, табиатга, бошқа шахсларга муносабати шакли, уларга таъсир кўрсатишга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг мажмуи" [3, 62]. Фаолиятнинг шахс ривожланишига самарали таъсири, унинг мақсадга мувофиқлиги, педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилиши, изчил, узлуксиз ва тизимли бўлиши билан белгиланади [3, 75].

Фаолият турлари, шакллари хилма - хилдир. Фаолият шакллари асосан инсон ва жамият эҳтиёжларида келиб чиқади. "Фаолият шакллари, асосан қуйидагича туркумлаштирилади: моддий фаолият (инсоннинг ўз хавфсизлиги таъминланиши, озиқ-овқат, кийим-кечакка бўлган дастлабки эҳтиёжларининг қондирилиши ва меҳнат қуроллари орқали ташқи табиатнинг ўзгартирилиши); ижтимоий-сиёсий фаолият (ижтимоий муносабатларга, ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатиш); маънавий фаолият (илм-фан, санъат, дин, бадий ижод ва бошқа соҳалардаги фаолият) [4, 41].

Фаолиятнинг муҳим турларидан бири педагогик фаолиятдир. Ҳар қандай фаолият сингари педагогик фаолият ҳам мақсад, усул, восита, объект ва субъектдан иборат. Педагогик мақсад - ўқитиш, тарбиялаш ва шу асосда талабалар шахсини шакллантиришдан иборат. Усул эса тарбияланувчилар обрўсини эгаллаш, ҳурматида сазовор бўлиш ва таъсир кўрсатишдир. Педагогик фаолиятнинг объекти сифатида – ўқувчи шахси туради, унинг характери, иродаси, онги, ақли, одоб - ахлоқининг асоси ҳисобланади. Педагогик фаолият субъекти эса – тарбияланувчига таъсир кўрсатувчи – педагогнинг ўзи. Чунки, у ўқувчи - талабаларга табиат, жамият, тафаккурнинг энг умумий қонуниятлари тўғрисида маълумот бериш учун, аввало, уларни ўз фаолиятининг объектига айлантиради. Шу тариқа билимлар ўзлаштирилади, ўзлаштирилган билимлар талабаларга етказилади. "Педагогик фаолият, -деб ёзади психология фанлари доктори, профессор А.К.Маркова ўзининг "Ўқитувчи фаолияти, мулоқоти ва шахси" номли мақоласида, - ўқитувчи меҳнатининг умумий стратегияси, технологияси, вазибаларини ҳал қилишга қаратилган ҳамда педагогик таъсир ўтказиш воситалари билан амалга ошириладиган профессионал активлигидир" [2,3].

Педагогик фаолият талаба – ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида уларга таъсир кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Натижада талабаларга билим берилади, уларнинг шахсий сифатлари

боялланади, психологик хусусиятлари ривожлантирилади. Бунда эса талаба етук мутахассис сифатида камол боради. Шунинг учун педагогик фаолият жараёнида педагог, яъни ўқитувчи- тарбиячи, ташкил қилувчи, – йўриқ кўрсатувчи, тарғибот – ташвиқот юритувчи, маълумот – ахборот тўловчи ва етказувчи; шахсий хусусиятларини ва касбий маҳоратини оммалаштирувчи шахс сифатида фаолият кўрсатиши лозим.

“Педагогик фаолият – педагог томонидан касбий мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган тизимли ҳаракатларнинг муайян шакли” [3,68]. Педагогик фаолият аниқ кўринишда бўлса, унда ўқитувчи ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш вазифаларини аниқ кўра олади ва уларни ҳал қилишга ҳаракат қилади. Бу жараёнда фаолият ақлни руҳий жиҳатдан тайёрлайди, таъсир кўрсатиш воситаларини белгилайди, натижаларни назорат қилади, таҳлил қилади, баҳолайди ва янги вазифаларни белгилайди. Билимларни ўзлаштириш воситасида таълимнинг ўсиши таъминланади, натижада жамият талаби ва вазифалари бажарилади. Бунинг учун ўқитувчи, талабани, вазиятни тушуниши, ҳар бир талабанинг ўзлаштириш жараёнини, ривожланиб келиши ва ўзлаштириш шаклланиш даражаларининг мезонини аниқ кўра билиш имкониятига эга бўлади. Бу ўз навбатида ўқитувчидан талаб билгим, тажрибаларни талаб этади. Бу фақат касбий фаолиятни тўғри белгилаш орқали амалга ошади. Шунга кўра таълим муассасаси олдидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш учун ўқитувчига педагогик фаолиятни лойиҳалаш зарурдир.

Лойиҳа – аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсули.

Лойиҳа дастур, модел, технологик харита ва б. кўринишда намоён бўлади. Лойиҳанинг асосини илмий ёки ижодий характерга эга гоё ташкил этади.

Педагогик фаолиятни лойиҳалаш – бошланғич маълумотларга асосланиб, қўйилган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракатлар тизимидир.

Педагогик фаолиятни лойиҳалаш “гоё – мақсад – қўйилган натижа – тахмин қилиш – башоратлаш – режалаштириш” тизимига асосланади.

Педагогик фаолиятни лойиҳалаш қонуниятлари:

1) таълим жараёнининг самарадорлиги барча таркибий қисмлар (технологик жараён, технологик жараённи бошқариш, восита, ахборот, ижтимоий-иқтисодий таъминот)нинг лойиҳада мақсадга мувофиқ ёритилиши билан таъминланади;


2) таълимнинг технологик воситалари талабаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади;

3) лойиҳалаш стратегиялари педагогнинг индивидуал услубига мувофиқ танланади;

4) лойиҳалаш сифати тесқари алоқа (педагог ва талаба ўртасидаги) кўлами, лойиҳалаш мазмуни ҳамда барча омиллар самарадорлигига боғлиқ.

Педагогик фаолиятни лойиҳалашда қуйидаги тузилмавий схема асосида амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

#### Педагогик фаолият таснифи



Юқорида қайд этилган фикрларга асосланиб, педагогик фаолият педагогик маҳоратни шакллантиради ва такомиллаштириб боради. У ишбилармонлик, зукколик, лаёқат ва зехн воситасида тараққий этади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, фаолият, айниқса, педагогик фаолият дунёни ўзлаштиришнинг биринчи шартин ҳисобланади деб айтиш мумкин. Педагогик фаолият давомида инсоннинг ақл - идроки, иродаси, ишончи, тафаккури, шуури таркиб топади, ривожланади. Булар юксак даражада бўлиши, илмга, уни эгаллаганлик

даражасига боғлиқ. Илм эса тинимсиз меҳнат, машаққат ва азоб - уқубатлар орқали қўлга киритилади. Шунингдек, педагогик фаолият давомида ўқитувчи-тарбиячининг меҳнат, ўз малакаси устида муттасил ишлаши каби кўникмалари шаклланади. Шундай экан, педагогик фаолиятни таъминлаш эвазига таълим - тарбия, яъни педагогик жараён муваффақияти таъминланади, ўсиб келаётган ёш авлоднинг педагогик-психологик ва касбий билим, кўникма ва малакалари тизими ҳамда ижтимоий сифатлари ривожланади.

Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Маълумки, инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эhtiёж туғилади. Педагогик фаолият ана шундай хусусиятга эга. Педагогик ижодкорликнинг асосий моҳияти педагогик фаолиятнинг мақсади ва характери билан боғлиқ. Педагогик фаолият ўқувчи-талаба шахсини, унинг дунёқараши, эътиқоди, онги, хулқ-атвори шакллантиради ва шу билан боғлиқ умумий мақсадга бўйсунган бир қатор педагогик масалаларни ечиш жараёнидир. Педагогик фаолиятдаги ижодкорлик ана шу масалаларни ечиш усулларида, уларни ҳал қилиш йўллари кидириб топа билишларида ифодаланади.

#### Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни кагъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз (1-жилд). – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.
2. Маркова Л.К. Ўқитувчи фаолияти, мулоқоти ва шахси. - Ж.: “Совет мактаби”, 1989 йил, 6-сон. 3-бет.
3. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – 193 б.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.